



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОЙ-СИЁСЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 151 (13.748)

Баҳоси эркин нарҳда

ҲУДУДЛАР ОБОДЛИГИ ВА ТОЗАЛИГИ – АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2018 йил 9 август куни атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, маиший чиқиндиларни йиғиш ва қайта ишлаш тизимини ривожлантириш бўйича йиғилиш ўтказилди.

Мамлакатимизда атроф-муҳитни ободонлаштириш ва тозалikka риоя қилиш, маиший чиқиндиларни йиғиш, саралаш ва қайта ишлаш борасида кенг қўлланма ишлар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 21 апрелдаги "2017-2021 йилларда маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, илгари эгасиз бўлган мазкур соҳада ягона тизим шакллантирилди. Соҳага қаратилаётган эътибор самарасида аҳолини чиқинди ташиш хизмати билан қамраб олиш даражаси жорий йил охирига қадар 62 фоизга (20 миллион) етиши кўтилмоқда. Ваҳоланки, бу кўрсаткич 2016 йилда бор-йўғи 22 фоиз бўлган.

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тизимида ташкил қилинган "Тоза ҳудуд" қорхоналари жорий йилнинг етти ойида 49 миллиард сўм даромад олишга эришди. Жойларда чиқиндиларни қайта ишлаш қорхоналари қурилмоқда.

Қарор ижроси доирасида чиқинди олиб чиқиш ҳудудларини тadbиркорларга электрон аукцион йўли билан бириктириш тартиби жорий этилди, фаолиятга тadbиркорларни давлат-хусусий шериклик асосида жалб қилиш механизми яратилди, полимер плёнкали пакетлар ишлаб чиқариш, сотиш ва импорт қилишда чекловлар ўрнатилди, хорижий инвесторларни кенг жалб қилиш учун солиқ имтиёзлари берилди.

Йиғилишда мазкур йўналишдаги ишлар ҳали етарли эмаслиги, яна қатор чора-тадбирлар амалга оширилиши зарурлиги таъкидланди.

Хусусан, жорий йилда "Тоза ҳудуд" қорхоналарига 210 та янги махсус техника харид қилинган. 2019-2021 йилларда яна 590 та махсус техника олиш режалаштирилган. Бу чиқинди ташиш хизмати кўрсатиш даражасини 83 фоизга етказиш имконини беради.

Бу борадаги ишлар қўламини янада кенгайтириш учун Инвестициялар бўйича ҳамда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмиталарига уч ой муддатда Осиё тараққиёт банкнинг кредити ҳисобидан яна 500 та махсус техника харид қилиш бўйича лойиҳа таклифини ишлаб чиқиш вазифаси топширилди.

Чиқиндини йиғиштириш ва бунинг учун тўлов ундириш борасида ҳам муаммолар мавжудлиги таъкидланди.

Қайд этилганидек, мамлакатимизда аҳоли жон бошига чиқиндини йиғиштириб олиш учун тўлов 2 000 сўм ёки 25 центни ташкил қилади. Бу эса соҳага тadbиркорларни кенг жалб қилиш имконини бермаётти.

Хорижий давлатларда чиқиндини йиғиштириб олишда давлат-хусусий шериклик муносабатлари кенг жорий этилган. Тadbиркор факат чиқиндини йиғиштириб олади, маҳаллий ҳокимият эса кўрсатилган хизмат ҳажмига қараб тўловни амалга оширади.

Молия вазирлиги, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Мажбурий ижро бюроси раҳбариятига чиқиндини йиғиштириб олишга давлат-хусусий шерикликини кенг жорий этишни кўзда тутувчи аниқ таклифлар киритиш вазифаси топширилди.

Бунда чиқинди йиғиш учун ўрнатилган тарифларни қайта кўриб чиқиш, тўловларни ундиришни Мажбурий ижро бюроси томонидан амалга ошириш, тушган маблағларни туман (шаҳар) ҳокимликлари махсус ҳисобрақамида жамлаш, тўпланган маблағни давлат-хусусий шериклик шартномаси асосида чиқинди ташиш қорхоналарига тўлаш тизимини яратишга алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

Йиғилишда чиқиндиларни қайта ишлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Маълумотларга кўра, бутун дунёда маиший чиқиндининг қамиди 65 фоизи қайта ишланади ва катта фойда олинади. Афсуски, бу кўрсаткич бизда ўта паст. Ҳозирда мамлакатимиздаги чиқинди полигонларида жами 18 миллион тонна чиқинди мавжуд. Йилга яна 4 миллион тоннадан кўшилиб бормоқда. Бу чиқиндиларни қайта ишлаш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича лойиҳаларни тезроқ амалга оширишни талаб этади.

Чиқиндидан энергия олиш бўйича Охангарон туманида Жанубий Кореянинг "Сезин" компанияси билан ҳамкорликда 55 миллион долларлик лойиҳани амалга ошириш бошланган. Лойиҳага асосан чиқинди полигонидан биогаз олиниб, 16 мегаватт ёки 10 минг қонандон истеъмоли учун етарли электр энергияси ишлаб чиқарилади.

Ана шундай истиқболли лойиҳаларни қўлайтириш зарур, – деди Президентимиз. – Бунинг учун, аввало, соҳага хорижий инвесторлар нега кам қизиқиш билдираётти, деган саволга жавоб топилиши керак. Чунки бунга тўсиқ бўлиб турган бир қатор тизимли муаммоларни ҳал этиш учун етарли иш олиб борилаётти. Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда комплекс ёндашув мавжуд эмас. Чиқиндини қайта ишлашдан олинган маҳсулот энергияни ягона электр энергетика тармоқларига узатиш, олинган энергия учун ҳисоб-китоб қилиш ва тарифлардаги фарқни қоплаш механизмлари ҳалигача жорий қилинмаган.

Таъкидланганидек, амалдаги тартибга кўра, ягона электр энергетика тизимига улаштириш ва тўловларни амалга ошириш факат қайта тикланувчи энергия манбалари учун белгиланган бўлиб, 1 киловатт/соат учун тўлов жуда кам – 2 центни ташкил этади. Келган инвестор шу саволларга жавоб ололмасдан, қайтиб кетишга мажбур бўлмоқда.

Молия, Иқтисодиёт, Уй-йўл коммунал хизмат қўмитаси вазирликлари ва "Ўзбекэнерго" акциядорлик жамияти раҳбариятига икки ҳафта муддатда юқоридаги муаммоларнинг ечимини юзасидан тегишли қарор лойиҳасини тайёрлаш вазифаси топширилди.

Йиғилишда мутасадди раҳбарларга икки ой муддатда ҳудудда-ҳудуд юриб, чиқиндини қайта ишлаш ва ундан энергия олиш бўйича инвестиция таклифларини ва уларнинг умумий параметрларини ишлаб чиқиш ҳамда йил охирига қадар қамда 5 та лойиҳа амалга оширилишини бошлаш вазифаси топширилди.

Мамлакатимизда мавжуд чиқинди полигонлари фаолиятини санитар ва экологик талаблар асосида ташкил этиш ҳам асосий муаммолардан экани қайд этилди.

Айни пайтда юртимиздаги 221 та чиқинди полигони фаолиятини санитар ва экологик талаблар асосида ташкил этиш учун 1,2 миллиард доллар талаб этилади.

– Бу жуда катта маблағ. Соҳага сармоя жалб қилиш бўйича бугунги кунда дунё тажрибасида кенг қўлланилаётган "ифлослантирувчи тўлайди" тамойили асосида янги тартиб жорий қилиш керак, – деди давлатимиз раҳбари. – Бунда йирик товар ишлаб чиқарувчилар маҳсулотининг таннархидан ундан ҳосил бўладиган чиқиндини утилизация қилиш харажатларини назарда тутиш лозим. Лекин бу харажатларнинг одамларга оғирлиги тушмаслиги керак. Маблағлар Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш жамғармасида йиғилиб, чиқинди полигонларини санитар талаблар асосида тартибга келтириш, улар сонини оптималлаштиришга сарфланиши лозим.

Мутасаддиларга бир ой муддатда ушбу янги механизм жорий қилиш бўйича таклиф киритиш вазифаси топширилди.

Йиғилишда яна бир масала – "Тоза ҳудуд" қорхоналари молиявий-ҳўжалик фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича ягона бошқарув тизимини жорий қилиш зарурлиги таъкидланди. Бунинг учун Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раҳбарияти "Тоза ҳудуд" қорхоналари ишини самарали йўлга қўйиш бўйича қўмита таркибида алоҳида марказлашган тузилма ташкил этишга доир таклиф киритиши керак. Бу тузилма полигонлар ва техникаларни тўғри эксплуатация қилиш, техникаларнинг жойларга чиқишини электрон бошқариш, хизматлар учун тушумлар ҳисоб-китобини тўғри йўлга қўйиш билан шуғулланади.

Ҳудудларнинг тозаллигига жавоб беришни яна бир тизим – ҳокимликлар қошидаги ободонлаштириш бошқармалари ишини янада такомиллаштириш лозимлиги қайд этилди.

Ҳозир ушбу ташкилотлар моддий-техник базаси яхши эмаслиги учун ҳокимликлар "Тоза ҳудуд" қорхоналари техникаларини ободонлаштириш ва қурилиш ишларига жалб этмоқда. Бу ҳолат "Тоза ҳудуд" қорхоналарининг асосий ишига салбий таъсир кўрсатиб, техникаларнинг муддатидан олдин ишдан чиқишига сабаб бўлмоқда.

Мутасадди айтганда, ободонлаштириш соҳасини методологик жиҳатдан таъминлаш ва ўтган асрдан қолган моддий-техник базасини яхшилаш ишлари бутунлай ўз ҳолига ташлаб қўйилган.

Шунинг учун мутасаддиларга икки ой муддатда ободонлаштириш бошқармалари фаолиятини ва муаммоларини жойларга чиққан ҳолда таҳлил қилиб, тизимни тубдан такомиллаштириш, жумладан, янги бошқарув тизимини жорий қилиш, методологик базасини қайта кўриб чиқиш, кадрлар тайёрлаш, давлат-хусусий шерикликини жорий қилишга таклиф киритиш бўйича топшириқлар берилди.

Яна бир муҳим масала, айрим одамларда ҳалигача чиқиндини махсус белгиланган жойга ташлаш, ўз қўчаси ва ҳудудини озода сақлаш маданияти шаклланигани қайд этилди. Шу боис ҳудудларни ифлослантириш учун жавобгарликка тортишининг таъсирчан механизмларини яратиш бўйича қонун лойиҳаси ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланди.

Йиғилишда мутасадди раҳбарларнинг ахбороти тингланиб, тегишли топшириқлар берилди.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН МУҲИМ БИТИМ ЛОЙИҲАСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШДА ИШТИРОК ЭТАДИ

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, ўтган йил якуни бўйича мамлакатимизда хизматлар экспорти 3,5 миллиард, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида эса 2,4 миллиард долларни ташкил этди. 2017 йилда 978,2 минг доллар, 2018 йилнинг олти ойида 2,4 миллиард доллар миқдорида хизматлар импорт қилинган.

Мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотининг тахминан 25 фоизи хизматлар соҳасига тўғри келади. Шундан келиб чиқиб, бугунги кунда хизматлар соҳасига алоҳида эътибор қаратиш иқтисодий ўсиш омилларидан биридир.

Ташқи савдо вазирлиги ахборот хизмати маълум қилишича, мамлакатимиз МДҲ давлатлари ўртасида хизматлар бўйича эркин савдо ҳудуди битими лойиҳасини яратиш ишчи гуруҳи фаолиятида қатнашади.

Шу муносабат билан Ташқи савдо вазирлиги Жамшид Хўжаев бошчилигида идоралараро ишчи гуруҳи ташкил этилди.

Молия, Иқтисодиёт, Адлия, Ташқи ишлар, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълими вазирликлари, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Марказий банк, Автомобиль транспорти агентлиги, "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти ва "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпанияси мазкур ишчи гуруҳ таркибида бўлиб, эркин савдо ҳудуди битими лойиҳасини миллий қонунчилигимиз асосида ўрганиб чиқади.

(Давоми 2-бетда)

СЕНАТ ҚЎМИТАСИ ФАОЛИЯТИ ТАҲЛИЛИ

Миллий матбуот марказида Олий Мажлис Сенати Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитасининг жорий йил биринчи ярим йилликдаги фаолияти муҳокама қилинди, чора-тадбирлар режаси ҳақида айтилди.

Ўтган олти ойда бўлиб ўтган Сенат ялпи мажлисларида тайёргарлик жараёнида қўмита томонидан Ўзбекистон Республикасининг "Ўрмон тўғрисида"ги ва "Ўсимликлар карантини тўғрисида"ги (янги таҳрири) қонунлари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикасининг "Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида"ги қонун талаблари давлат назорат органлари томонидан ижро этилишини ўрганиш давомида қатор муаммолар аниқланди. Жумладан, ветеринария соҳасида 1300 дан зиёд олий маълумотли кадрга ҳатийё мавжуд, республикада қорачиликка ихтисослашган 5 мингдан ортиқ фермер ҳўжалигида ва 2 мингта актин паррандачилик ҳўжалигида ветеринария врачлари штат бирлиги жорий этилмаган.

Жорий йил февраль ойида Қўмита томонидан "Ўзбекистон Республикасида

қишлоқ ҳўжалиги соҳаси самарадорлигини оширишда илмий-тадқиқот институтлари ва олий таълим муассасалари ролини оширишнинг долзарб масалалари" мавзусида конференция ўтказилди. Конференцияда аграр соҳанинг бугунги ҳолати, қишлоқ ҳўжалигини янада ривожлантиришга ҳов бўлаётган тўсиқларни бартараф этиш йўллари, шу жумладан, қишлоқ ҳўжалигида ишлаб чиқариш ресурслари ва воситаларидан самарали фойдаланишнинг илмий-методик асосларини мустаҳкамлаш, замонавий бозор механизмларини жорий этиш масалалари муҳокама этилди.

Ўтган даврда жойларда бевосита деҳқонлар билан фаол иш олиб борилади. Масалан, ҳосилдорлигини ошириш ва томорқа ерлардан аҳолининг фойдаланишини ўрганиш мақсадида март ойида Қақшадарё вилоятига амалга оширилган сафар вақтида вилоятда ташкил этилган ишчи

гуруҳлар билан биргаликда 2064 фермер ҳўжалигига ажратилган далавларда қузги бошоқли экинлар етилиштириш, аҳолининг 64 минг 957 та томорқа еридан фойдаланиш ҳолати ўрганилди. Шундан 899 тасидан самарасиз фойдаланилаётганлиги аниқланди. Ўрганиш натижалари юзасидан фермерлар ва аҳоли билан кенг тушунтириш ишлари олиб борилади ва, энг асосийси, мавжуд муаммоларни бартараф этишда амалий ёрдам кўрсатилди.

Сув таъминоти оғир бўлган Шовот, Янгиарик, Қўшқўйр ва Хива туманларида сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш масаласи батафсил ўрганилиб, аниқланган қамчиликларни бартараф этиш юзасидан таъсирчан чоралар кўрилди.

Тadbирда журналистлар саволларига жавоб берилди.

М.ҚОСИМОВА,

ЎЗА мухбири



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Урганчада "Ҳар бир оила – тadbиркор" дастури ижроси доирасида Хоразм вилоятида амалга оширилаётган ишлар ҳамда истиқболдаги вазифаларга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Тadbирда дастурдан кўзланган мақсад, унда белгиланган вазифалар, эътибор қаратилиши лозим бўлган масалаларга Андижон вилояти тажрибаси бўйича тушунтиришлар берилди.

• Термиз шаҳридаги ҳарбий қисмлардан бирида 12-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари учун очик эшиклар куни ўтказилди. Очик эшиклар кунини да дастлаб ёшлар учун замонавий қурол-аслаҳалар кўргазмаси ташкил этилди. Тadbир доирасида

да ўғил-қизлар ҳарбий-ватанпарварлик, маънавий-ахлоқий тарбия ва ёшлар билан ишлаш бўлими фаолияти билан танишди. Бу ерда навқирон авлодга ҳарбий қисм ёшлари эришаётган ютуқлар хусусида атрофлича маълумот берилди.

• Навоий шаҳридаги Ёшлар марказида "Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси" қўриқ-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Миллий маънавиятнинг мазмун-моҳиятини тарғиб қилиш, қадриятларимизни асраб-авайлаш, жамиятда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, бу соҳада фаоллик кўрсатаётган мутахассисларни рағбатлантириш мақсадида ўтказиб келинаётган қўриқ-танловнинг вилоят босқичида 10 нафар иштирокчи ўзaro баҳслашди.

• Фаргона вилояти Учқўприк туманида дори-дармон ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Zinnur servis phartm" масъулияти чекланган жамияти иш бошлади. Мазкур қорхона йилга 2.5 миллион қадоқ таблетка ва капсула, 200 минг тубик маз маҳсулотлари тайёрлаш қувватига эга. Лойиҳа қиймати жами 3 миллиард 100 миллион сўм бўлиб, унинг 1 миллиард 100 миллион сўми Халқ банкнинг Учқўприк тумани филиали томонидан ажратилган.

2018 йил 10 АВГУСТ, ЖУМА

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ШАХМАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА- ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Юқори малакали мураббий кадрларни жалб қилган ҳолда иқтидорли ёш шахматчиларни тайёрлаш, шахмат бўйича миллий терма жамоанинг амалдаги аъзолари билан доимий алоқани таъминлаш, шунингдек, шахматни инсоннинг ақл ва тафаккур жараёнини ривожлантирувчи спорт тури сифатида янада оммалаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳамда Ўзбекистон шахмат федерациясининг:

мажбурий мактаб дастурлари доирасида иловага мувофиқ 150 та умумий ўрта таълим мактабларининг ўқувчиларини тажриба тариқасида шахматга ўқитишни ташкил қилиш;

Шахмат бўйича Республика ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактабини Ўзбекистон шахмат федерацияси тасаруфига бериш;

2018 йил 1 сентябрдан бошлаб мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча шахмат клублари ҳамда шахматга ўқитиш ва шахматчилар тайёрлашни амалга оширувчи бошқа спорт муассасалари (кейинги ўринларда шахмат клублари деб юритилади) Ўзбекистон шахмат федерацияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги билан келишилган ҳолда мажбурий аккредитациядан ўтказилиши тартибини белгилаш;

шахмат клублари томонидан ўзларининг фаолиятлари ҳақида ҳар чоракда Ўзбекистон шахмат федерациясига ҳисоботлар тақдим қилиш механизмининг жорий этиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон шахмат федерациясига Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги билан келишилган ҳолда бир ой муддатда:

шахмат клубларини аккредитациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни;

республикадаги барча умумий ўрта таълим мактабларида шахматга ўқитишни босқичма-босқич қамраб олиш, юқори малакали мураббий кадрларни тайёрлаш, шахмат клублари ва умумий ўрта таълим мактаблари шахмат синфларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашни назарда тутувчи чора-тадбирлар дастурини;

шахмат клублари фаолияти тўғрисидаги ҳисоботлар шаклини тасдиқлаш тасвсия этилсин.

3. Белгилансинки:

Шахмат бўйича Республика ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаби ўз фаолиятини тўлиқ ўзини ўзи молиялаштириш асосида олиб боради, ҳўжалик ва молиявий фаолият масалаларини мустақил равишда ҳал қилади;

Шахмат бўйича Республика ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаби фаолиятини молиялаштириш унинг ўз маблағлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳўмийлик хайрия маблағлари, шунингдек, қонун ҳужжатларида таққиланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Ўзбекистон шахмат федерацияси билан биргаликда 2018 йил 20 августга қадар умумий ўрта таълим мактабларида шахматга ўқитиш бўйича таълим дастурларини тасдиқласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги Ўзбекистон шахмат федерацияси ҳамда бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

барча шахмат клубларининг паспортлаштиришдан ўтказилишини таъминласин;

қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳамасига таклифлар киритсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М.Мавлонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 9 август



• Хитой аэрокосмик билимлар ва технологиялар акциядорлик жамияти "Синкун-2" (юлдузли осмон) юқори овоз тезлигидаги учар ускунаси синовини муваффақиятли якунлади. Синов амалиёти Хитойнинг шимолий-ғарбий ҳудудидаги ҳарбий майдончалардан бирида ўтказилди. Қурилма ердан 30 километр балангликда 10 дақиқа давомида ҳавода муаллақ турди. Бу вақт ичида у бир қанча машқларни бажариб, белгиланган жойга қўнди. Ускуна ихтирочиларининг сўзларига кўра, уни ишлаб чиқариш ишлари 3 йил давом этган.

• Германиянинг Зигбург шаҳридаги темир йўл станциясида ҳаракатланаётган поезд гилдирагидан чиққан учкуннинг қуруқ ўтларни ёндириб, ён атрофдаги саккизта уйга ёнғин ўтиб кетиши натижасида айрим ҳонадонларда газ баллонлари портлаган. Ушбу ҳодиса оқибатида 40 киши жабранган бўлиб, олти нафарининг аҳоли оғир. Шунингдек, Кёльн-Франкфурт йўналишида қатновчи поездлар ҳаракати ҳам вақтинча тўхтатилди.

ИНВЕСТИЦИЯ ВА ИҚТИСОДИЙ ФАРОВОНЛИК

Адлия вазирлигида ўтказилган давра суҳбати шундай номланди.

Тадбирда Тошкент шаҳридаги тадбиркорлар, хорижий инвесторлар, консалтинг фирмалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда соҳа мутахассислари Президентнинг 2018 йил 1 августдаги “Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонининг мазмун-моҳияти ҳақида гапириб берди.

Фармонда белгиланган тартибда туман, шаҳар ҳокимларига чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналарга қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкасини 50 йилгача муддатга, лекин аризада кўрсатилганидан кам бўлмаган муддатга инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун узок муддатли ижарага бериш назарда тутилган.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига қонун ҳужжатларида белгиланган ваколатлар доирасида ва тартибда 10 миллион АҚШ долларидан кўп бўлмаган эквивалентда чет эл инвестицияси улуши бўлган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда чет эл инвесторлари билан инвестиция шартномаларини тузиш имконияти яратилган.

Мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар дастурида инвестициявий фаолиятни тартибга солишчи ягона қонун ҳужжати лойиҳасини тайёрлаш, тадбиркорлик субъектларига нисбатан валюта тушумларини уларнинг ҳисобрақамига келиб тушишини кечиктирганлик учун жарима қўллаш амалиётини бекор қилиш, лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан ислоҳ қилиш каби муҳим ислохотларни амалга ошириш кўзда тутилган.

М.ТОШКОРАЕВА,
ЎЗА мухбири

Айрим фуқаролар томонидан рангли металл парчалари ва чиқиндиларини, таркибиди рангли металллар бўлган тайёр маҳсулотларни республикамиздан ташқарига ноқонуний равишда олиб чиқиб кетиш ҳолатлари тез-тез учраб туради. Ваҳоланки, ана шундай жиноятларнинг олдини олиш мақсадида 2018 йил 6 июнда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Рангли ва қора металллар парчалари, чиқиндилари билан ишлаш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Қарор ва ижро

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИНГ МЕТАЛЛ ПАРЧАЛАРИДАН ДАРОМАД ОЛИШ ТАРТИБЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

Мазкур ҳужжатга кўра жисмоний шахслар ҳам рангли металл чиқиндилари ва парчаларини эркин нархларда сотиб, қонуний даромад олиш имконига эга бўлдилар.

Қарорга мувофиқ Ўзбекистон ҳудудида рангли металл парчалари ва чиқиндиларини тайёрлаш билан фақат “Ўзбекистон Республикасидаги металл” АЖ шуғулланиши белгиланди. Мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти билан батафсил танишиш мақсадида “Ўзбекистон Республикасидаги металл” АЖ Тайёрлов бошқармаси бошлиғи ўринбосари Мирмаксуд МИРПЎЛТАОВга мурожаат қилинди.

– **Айтилган, қарорни қабул қилишдан кўзланган асосий мақсад қандай?**

– Мазкур қарордан мақсад рангли металллар парчалари, чиқиндилари билан ишлаш тартибини такомиллаштириш, республика иқтисодиёти соҳаларининг ҳужалик фаолияти жараёнида ва аҳолининг ҳаёт фаолияти давомида ҳосил бўлувчи металл парчалари, чиқиндиларининг иқтисодий ресурсларидан кейинчалик юқори қўшимча қиймат билан маҳсулот ишлаб чиқариш учун чуқур қайта ишлаш жараёнига жалб қилиш йўли билан улардан оқилона фойдаланишни таъминлаш.

Айтиш жоизки, Президентимиз Фармони билан Адлия вазирлиги ҳузурида Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот институтининг ташкил этилиши улкан воқеа сифатида баҳоланмоқда. Мазкур тузилма ягона давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга ошириш, қонунийликни мустаҳкамлаш, жамиятда ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий онгни оширишга қаратилган тадқиқотларни ташкил этиш ва ўтказиш соҳасида республиканинг етакчи давлат илмий-тадқиқот эксперт муассасаси ҳисобланади.

Бинобарин, Тадқиқот институтига миллий қонунчиликни ва унинг тармоқларини ривожлантириш соҳасида илмий-амалий тадқиқотлар ўтказиш, жамият тараққиётига ҳамоҳанг келадиган илмий концепциялар яратиш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини оширишнинг инновацион усуллари, суд-ҳуқуқ соҳасидаги қонун ҳужжатлари қўлланилиш амалиётини таҳлил қилиш, уни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, давлат бошқаруви самарадорлигини оширишнинг ҳуқуқий муаммоларини ўрганиш, ижтимоий-иқтисодий соҳадаги муносабатларни тартибга солишни ривожлантириш йўналишларини аниқлаш, етакчи хорижий илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорликни амалга ошириш вазифалари юклатилди.

Тошкент шаҳар Божхона бошқармаси томонидан тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари, хусусан божхона хизматининг сифатини янада ошириш борасида амалга ошириладиган ишлар билан таништириш мақсадида учрашув ташкил этилди.

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

Очик мулоқот тарзида ташкил этилган тадбир ташқи иқтисодий фаолият, хорижий инвестицияларни жалб қилиш, экспорт-импорт божхона расмийлаштируви йўналишидаги ҳамкорлик ишларини келгусида янада самарали ташкил этиш, бу борада яратилаётган қулайликларни кенг тарғиб қилиш ва амалий ёрдам кўрсатиш ҳамда юзага келаётган муаммолар масалаларни тезкорлик билан ечиш, таклиф ва мулоҳазаларни ўрганишга қаратилди.

Тадбирда давлат божхона қўмитаси раиси ўринбосари М.Солиев жойларда ўтказиб келинаётган сайёр қабулларда аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг божхона ишига, қолаверса бошқа йўналишларга оид кўплаб саволлари, уларни қийнаётган муаммолар ва таклифлари ўрганиб чиқилганлиги, божхона органлари ваколати доирасида ҳал этиладиган масалаларга ижобий ечим топишга эришиб келинаётганлиги ҳақида маълумот берди.

Тадбирда ташқи иқтисодий фаолият, экспорт-импорт божхона расмийлаштируви ва инвестицияларни жалб этишда яратилаётган қулайликлар ҳамда қонунчиликдаги сўнгги янгиланган ҳақида батафсил маълумот берилди.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, Тошкент шаҳар Божхона бошқармасида республикамиз иқтисодиётига инвестицияларни жалб қилиш ва бу борадаги ишларни фаоллаштириш мақсадида Ишчи гуруҳ тузилган. Ишчи гуруҳ фаолиятида аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари билан учрашувлар ташкил этиш ва унда мамлакатимизда ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш ҳамда хорижий инвестицияларни жалб қилиш борасида яратилган қулайликларни тарғиб қилиш, шунингдек, мамлакатимизга хорижий инвестицияларни жалб этишда божхона соҳасига тааллуқли муаммоларни ўрганиш ва уларни бартараф этиш чораларини кўриш каби вазифалар белгилаб берилган.

Тадбирда хорижий инвестицияларни жалб қилиш борасида яратилган қулайликлар тўғрисида ҳам батафсил маълумотлар берилди. Жумладан, “АКА Petroleum” МЧЖ ўзининг Россия Федерацияси ва Туркия давлатларидаги ҳамкорларини жалб қилган ҳолда 2018 – 2019 йилларда “Тошкент-товар” ҳамда “Чуқурсой” темир йўл

станцияларида замонавий мультимодал транспорт-логистика марказларини барпо этиш истагини билдириб ўтди. Лойиҳа қиймати 128,0 млн. АҚШ долларини ташкил этади.

Ҳозирда ушбу инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бўйича режалаштириш ва лойиҳалаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Тошкент шаҳар Божхона бошқармасида жорий йилнинг олти ойи давомида 36 та хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар томонидан импорт қилинган товарларга амалдаги қонунчиликка асосан 20,8 млрд. сўм миқдоридида божхона тўловларидан имтиёзлар берилди.

Учрашув давомида иштирокчиларга тизимдаги коррупция ва тамағирлик ҳолатларига қарши курашишда жамоатчиликнинг ҳам фаол кўмаги зарурлиги, унга қарши биргаликда курашиш кераклиги, бу борада божхона, прокуратура ва солиқ органлари томонидан ҳар қандай амалий ва ҳуқуқий жиҳатдан кўмак берилиши, куннинг исталган вақтида ушбу идораларнинг “Ишонч телефон”лари орқали мурожаат қилишлари мумкинлиги алоҳида қайд этилди.

Тадбир сўнггида божхона иши ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштириш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига ҳар томонлама қулайликлар яратиш бўйича давлат органлари ҳар қандай кўмак беришга, коррупция ва бошқа ҳар қандай иллатларга қарши курашишда кенг ҳамкорлик қилиш муҳимлиги, бундан ҳар бир тадбиркорлик субъекти ва жамиятнинг ҳар бир аъзоси манфаатдор эканлиги таъкидланди.

Бошқарма томонидан ўтказилаётган бу каби тадбирлар ташқи иқтисодий фаолиятни янада ривожлантириш, тадбиркорлар манфаатларини таъминлаш омилларига қаратилмоқда. Бу эса коррупцияни ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларидан тўлиқ бартараф этишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Учрашувда тадбиркорлар томонидан фаолиятида учраётган муаммолар масалалар ва таклифлар очик-ойдин айтилди. Шу билан бирга иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишди.

Зиёда РАСУЛОВА

сига асосан жиноий жавобгарликка тортишга сабаб бўлади ва энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан бир юз эллик бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади. Ўша қилмишлар:

а) такороран ёки хавфли рецидивист томонидан;

б) кўп миқдорда;

в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, – энг кам ойлик иш ҳақининг бир юз эллик бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатдан тўрт юз саксон соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмишлар:

а) жуда кўп миқдорда;

б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, – энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатдан тўрт юз саксон соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

– **Барча шахслар металл топшириш ҳуқуқига эгами?**

– Қарорга кўра, 16 ёшга тўлмаган шахслардан металл парчаларини қабул қилишга йўл қўйилмайди. 14 ёшдан 16 ёшгача бўлган шахслардан металл парчаларини қабул қилишга қонуний вакилларининг уларнинг паспортига оид маълумотлар ва яшаш манзиллари кўрсатилган ёзма розилиғи мавжуд бўлгандагина йўл қўйилади.

Бугун Рангли металл чиқиндиларини топшириш бўйича Ягона ишонч телефони +99871 207-00-30 йўлга қўйилган бўлиб у орқали фуқаролар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишлари мумкин.

Дилмурод ИСМОИЛОВ
сухбатдоши

ҚОНУНИЙЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

Миллий матбуот марказида Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот институти томонидан “Ҳуқуқий сиёсат – давлат сиёсатининг энг муҳим йўналиши” мавзусида анжуман ташкил этилди.

Анжуманда Тадқиқот институти мамлакатимиз ҳуқуқий сиёсатининг ижтимоий ҳаёт воқеаларига уйғун равишда жадал илдамлатиб юритувчи “ҳуқуқий локомтив” вазифасини бажариши, миллий қонунчиликнинг жонли бир организм сифатида ҳамиша яшарувчан ва барҳаёт бўлишини таъминлаш талаб этилиши қайд этилди.

Институт ўз фаолиятида миллий ва хорижий давлатлар қонунчилиги қиёсий таҳлили, давлат органларининг ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш натижа-

ри, ҳуқуқшунос, иқтисодчи, сиёсатшунос олимларнинг илмий тавсиялари, шунингдек, фуқаролар, тадбиркорлик субъектлари томонидан билдирилаётган таклиф ва тавсияларга таянади.

Қисқача айтганда, Тадқиқот институтининг очилиши адолат ва гуманизм, инсонпарварлик ва бағрикенглик руҳи билан суғорилган мазмундан янги миллий қонунчиликни такомиллаштиришда муҳим қадам эканлиги таъкидланди.

Ш.ЗОКИРЖОНОВ

ЎЗБЕКИСТОН МУҲИМ БИТИМ ЛОЙИҲАСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШДА ИШТИРОК ЭТАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мазкур битим лойиҳасига кўра, МДХ давлатларининг ташкилот, компания ва идоралари белгиланган тартибда ўзаро хизматлар бозорига эркин кириш имкониятига эга бўлади. Ҳужжат молия, банк, транспорт, таълим, суғурта ва бошқа хизматларни ўз ичига олади. Битим лойиҳасида юридик шахсларнинг бошқа давлатларда ташкил этилиши, улар томонидан филиаллар, ваколатхоналар очилиши ва уларнинг инвестицион фаолияти тартиби белгилаб ўтилади.

– МДХ мамлакатлари ўртасида хизматлар бўйича эркин савдо ҳудуди битими нафақат меҳнат ресурсларининг эркин алмашинуви, балки бир давлатдан бошқа давлатга инвестиция киритиш учун шарт-шароитлар яратиш ва инвестициялар ҳимоясини таъминлаб бериш учун замин яратади, – дейди ЎЗА мухбирига Ташқи савдо вазири Жамшид Хўжаев.

Шу маънода Ўзбекистон МДХ доирасида хизматлар бўйича эркин савдо ҳудуди битими лойиҳасини ишлаб чиқишда иштирок этиши муҳим аҳамиятга эга. Ишлаб чиқилаётган ҳужжат МДХ мамлакатлари учун товар ва хизматлар бўйича савдо ҳудудлари ташкил этиш ҳамда эркин савдо қилишга хизмат қилади.

Н.ЗИЁДУЛЛАЕВА

ЭРИШИЛГАН НАТИЖАЛАР ҚОНИҚАРЛИМИ?

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссиясининг биринчи ярим йиллик фаолияти таҳлиliga бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Унда вилоят, шаҳар, туман Кенгашлари депутатларининг фаолияти, камчиликлар, аҳоли мурожаатлари ва уларнинг ҳал этилиши юзасидан маълумотлари тингланди.

Анжуманда таъкидландики, маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари бевосита уларни сайлаган фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилиш, демократик ислохотларни татбиқ этиш, давлат дастурлари ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сўзсиз ижро этилиши устидан депутатлик назоратини амалга ошириш учун масъулдир.

Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш вазифасини ҳал этишда Сенатнинг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари билан ҳамкорлик механизмини такомиллаштириш, халқ депутатлари Кенгашлари доимий комиссиялари ваколатларини рўйбга чиқаришда уларга амалий ва услубий ёрдам бериш борасида аниқ вазифалар юклатилган.

Мазкур комиссия томонидан Наманган вилоятида ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш самарадорлигини оширишда депутатлар иштироки таҳлил этилди. Шунга кўра, вилоятдаги ҳар қандай содир этилган жиноят ва ҳуқуқбузарлик юзасидан соҳа ходимларига келиб тушган мурожаат ёки маълумот ўша ҳудуд депутати ҳам юборилади. Ушбу ҳамкорликдаги ҳаракат ўз ижобий самарасини берса, кейинчалик уни оммалаштириш тизими йўлга қўйилади.

Анжуманда давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 8 августдаги “Худудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижроси, худудларда олиб борилаётган ишлар ҳолати танқидий ўрганилганлиги таъкидланди.

Мазкур ўрганишларда маълум бўлдики, Тошкент шаҳри ва вилоятининг қатор туманларида худудларнинг ижтимоий-иқтисодий тармоқлари ва ижтимоий соҳа аҳолини билиш ҳамда мавжуд муаммоларни бартараф этишда амалий кўмак кўрсатиш юзасидан самарали натижаларга эришилган.

Анжуман давомида айни ўрганишлар натижаси таҳлили сифатида Андижон ва Наманган вилоятлари, пойтахтимизнинг Олмазор, Чилонзор ва Миробод туман халқ депутатлари Кенгашлари фаолияти юзасидан маълумотлар берилди.

Комиссиянинг амалга ошириши лозим бўлган ишлари кўплиги қайд этилиб, эришилган натижалар танқидий-таҳлил қилинди. Истикболдаги режалар хусусида фикрлашилди. Журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб берилди.

Барно МЕЛИҚУЛОВА,
ЎЗА мухбири

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 июлдаги “Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида судларнинг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ишлари қониқарсиз даражада ташкил этилганлиги қайд этилиб, одил судловни амалга ошириш сифатини яхшилаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимояси кафолатларини кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий суди веб-сайтида суд қарорларини тизимли равишда эълон қилиш тартибини жорий этиш, қабул қилинган суд ҳужжати ўқиб эшитирилганидан сўнг унинг мазмун-моҳиятини суд процесси иштирокчиларига тушунтирилишини амалиётга киритиш, Олий суд судлов ҳайъатлари ва вилоят судлари томонидан ҳар чоракда суд ишларини апелляция, кассация ва назорат тартибда кўриб чиқиш амалиёти шарҳларини эълон қилиш, судьяларни танлаш ва лавозимга тайинлашнинг ҳолислиги ва шаффофлигига ишончни ошириш мақсадида ҳар бир ҳудудда судьялар корпусини шакллантиришга кўмаклашувчи комиссиялар тузиш каби вазифалар билан бирга, вилоят судлари раислари ва уларнинг ўринбосарлари томонидан ҳар чоракда судлар фаолияти тўғрисида жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари иштирокида брифинглар ўтказиш вазифаси белгилаб берилди.

Агар 2018 йилнинг 6 ойини таҳлил қилганимизда, Тошкент шаҳрида умумий жиноятлар сони 50,1 фоизга камайганлигини кўраимиз.

Муқаддам судланган шахслар томонидан жиноят содир этиш 58,9 фоиз, гуруҳ бўлиб жиноят содир этиш 40,7 фоиз, аёллар томонидан жиноят содир этиш 56,1 фоиз, ишламайдиганлар томонидан жиноят содир этиш 59,5 фоиз ва воғга етмаганлар томонидан жиноят содир этиш 61,6 фоизга камайган бир пайтда, қасддан одам ўлдириш жинояти Учтепада 200 фоиз, Бектемир туманида 100 фоиз, Сергели туманида 16,6 фоиз, қасддан баданга оғир шикаст етказиш жинояти Яккасарой туманида 150 фоиз, Учтепа туманида 116,6 фоиз, Шайхонтохур туманида 16,6 фоиз, Юнусобод туманида 9,1 фоиз, босқинчилик жинояти Сергели туманида 16,6 фоиз, товламачилик жинояти Мирзо Улугбек туманида 100 фоиз, одам савдоси жинояти Олмазор туманида 200 фоиз, Юнусобод туманида 100 фоизга кўпайган.

Ёшлар томонидан гуруҳ бўлиб жиноят содир этиш Яккасарой туманида 40 фоиз, Миробод туманида 15,3 фоизга ошган.

Талабаларнинг жиноят содир этиш кўрсаткичи, айниқса, Олмазор, Мирзо Улугбек, Яккасарой, Яшнобод туманларида ошган бўлса, жиноятда иштирок этган “уюлмаган ёшлар” сони Учтепа туманида 9,1 фоиз, Шайхонтохур туманида 38,5 фоизга кўпайган.

Пойтахтнинг жами 506 та маҳаллаларидан 360 таси ёки 71,1 фоизда жиноятлар содир этилишига йўл қўйилган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судлари томонидан жорий йилнинг 6 ойида 4.344 нафар шахсга нисбатан 3.398 та жиноят ишлари кўриб, тамомланган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг мис даражасига нисбатан тамомланган ишлар сони 1.015 тага, жавобгарликка тортилган шахслар сони эса 1.616 нафарга камайганлигини кўрсатади.

Кўриб тамомланган 2.664 та иш бўйича 3.549 нафар шахсга нисбатан ҳукм чиқарилган, 777 нафар шахсга нисбатан 717 та ишлар тугатилган, шундан 607 нафар шахсга нисбатан 584 та иш та-

рафларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатилган, 43 нафар шахсга нисбатан оқлов қарорлари чиқарилган.

Жиноят оқибатида етказилган 55,6 млрд. сўмдан ортиқ моддий зарарнинг ўрнини қоплаган 254 нафар шахсга нисбатан озоқликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланган.

Умумий 2.156 нафар шахсга нисбатан озоқликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланган, 348 нафар шахс суд залининг ўзида қамок-

ганлиги сабаб бўлган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини оширишга қаратилган 2018 йил 14 февралдаги ва 2018 йил 19 июндаги Қарорлари ижросини таъминлаш юзасидан жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судида “Йўл харитаси” ҳамда чора-тадбирлар Дастури ишлаб чиқилган.

СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИДА ОШКОРАЛИК ТАЪМИНЛАНМОҚДА

дан озоқ қилинган, 1.417 нафар шахс муддатидан илгари жазодан (қамокдан) озоқ қилинган, 92 нафар шахсга тайинланган жазолар енгилроқ жазо билан алмаштирилган, 665 та ҳолатда тергов органи томонидан асосиз қўйилган моддалар айбловдан чиқарилган.

Жорий йилнинг ўтган даврида шаҳар судининг апелляция ва кассация инстанцияларида 1.396 нафар шахсга нисбатан жиноят ишлари кўриб чиқилган бўлиб, шундан 805 нафар шахсга нисбатан суд қарорлари ўзгаришсиз қолдирилган, 387 нафар шахсга нисбатан суд қарорлари ўзгартирилган, 44 нафар шахсга нисбатан суд қарорлари бекор қилинган.

Юқори инстанция судларида ўзгартирилган суд қарорлари сони ўтган йилга нисбатан 68 тага кўпайган бўлса, бекор қилинган суд қарорлари сони 50 тага камайган.

Суд қарорларининг ўзгартирилиши ва бекор қилинишига асосан жиноят оқибатида етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланганлиги, судланувчиларнинг ҳаракатлари нотўғри квалификация қилинганлиги, ишларни кўришда процессуал қонун талаблари бузилишига йўл қўйил-

Вояга етмаганлар, ёшлар ва аёллар томонидан содир этилган жиноят ишлари доимий равишда умумлаштирилиб, таҳлил натижалари судьяларимиз томонидан маҳалла фуқаролар йиғини, ёшлар иттифоқи, хотин-қизлар кўмитаси ҳамда вазирлиқ ва ҳомийлик органи вакиллари иштирокида атрофчи муҳофаза қилиш идоралари ходимлари билан ҳамкорликда Тошкент давлат Шарқшунослик институти, “Турин” политехника университети, Тошкент давлат Жаҳон тиллари университети, Тошкент Енгил саноат ва тўқимачилик институти, Мирзо Улугбек транспорт коллежи, Сергели Политехника касб-хуна колледжида талабалар билан ўтказилган сайёр учрашувларда ёшлар томонидан содир этилган жиноятларни акс эттирувчи махсус тайёрланган видеороликлар намойиш этилиб, жиноятлар таҳлили ҳақида батафсил ахборот берилган ҳамда уюлмаган, тарбияси оғир, ҳуқуқбузарликка мойил

бўлган ёшлар билан алоҳида профилактик суҳбатлар ўтказилган.

Жиноят ишларини судда кўришда жамоатчиликни жалб қилган ҳолда, маҳалла, ёшлар иттифоқи, хотин-қизлар кенгаши вакилларининг жамоат ҳимоячиси сифатида иштироки таъминланиб, 461 нафар судланган шахсларга нисбатан жамоат кафилиги асосида 85 нафар аёллар, 20 нафар вояга етмаганлар, 197 нафар ёшлар ва 155 нафар 30 ёшдан ошган шахсларга нисбатан озоқликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган ёки қонунда назарда тутилганидан кўра енгилроқ жазолар тайинланишига эришилди.

Бундан ташқари, жорий йилнинг 6 ойида жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар ва туман судлари раисларининг қабулида жами 816 нафар фуқаро мурожаат қилиб, уларнинг 772 таси кўриб чиқилган. Мурожаатларнинг 130 таси қаноатлантирилган, 641 тасига тушунтириш берилган, 1 таси рад қилинган.

Шунингдек, ўтган давр мобайнида жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судига Президентнинг виртуал қабулхонаси орқали фуқаролардан жами 1.638 та мурожаат келиб тушган бўлиб, уларнинг 1.130 таси кўриб чиқилган. Мурожаатларнинг 203 таси қаноатлантирилган, 914 тасига тушунтириш берилган, 9 таси кўрмасдан қолдирилган, 463 таси тааллуқчилиги бўйича кўриб чиқиш учун бошқа идораларга юборилган.

Тошкент шаҳар жиноят, фуқаролик, маъмурий ва иқтисодий судлари раислари томонидан ҳамкорликда режага асосан жорий йилнинг ўтган даврида Тошкент шаҳрининг барча туманларида аҳоли билан очик мулоқотлар ва сайёр қабуллар ўтказилди.

“Менинг маҳалла – менинг судьям” гояси асосида Тошкент шаҳар туман судлари судьялари ҳар бир маҳалла фуқаролар йиғинларига доимий бириктирилди. Судьялар ўзларига бириктирилган маҳалла фуқаролар йиғинларида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жиноятчиликка қарши курашиш, шунингдек, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, мавжуд муаммоларни тизимли ҳал этиш юзасидан сайёр учрашувлар ўтказиб келмоқдалар.

Айтиб ўтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 июлдаги “Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотларда муҳим ўрин тутишини таъкидлаш билан бирга, мазкур Фармон суд идораларига янада катта масъулият юклаб, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллиги, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш ҳамда одил судловга эришиш даражасини оширишга хизмат қилади.

Бахтиёр ИСЛАМОВ,
жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди раиси

Хабарлар

“ҲУМО АРЕНА” МУЗ САРОЙИ ҚУРИЛИШИ ЖАДАЛ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Спортнинг киши турларини ривожлантириш мақсадида Тошкент шаҳрининг Афросиёб ва Бешёғоч кўчалари кесишувидagi 9 гектар майдонда кўп тармоқли “Ҳумо Арена” муз саройи қурилиши бошланганидан хабарингиз бор.

12 минг кишилик трибунага эга кўп функционал сарой ҳудудига муз аренаси, машғулотлар ўтказиладиган майдон, ўқув-кўнгилочар болалар хиббони, оилавий кўнгилочар марказлар, амфитеатр, фавворали ҳушманзара боғлар, ресторан ва рекреацион ҳудудлар, боғ ва сайилгоҳ, замонавий паркинг ва бошқа кўплаб иншоотлар жойлашади.

Мажмуада ўлчамлари 60х30 метр бўлган иккита – асосий ва машқ муз ареналари қурилиши режалаштирилган бўлиб, бинонинг умумий майдони 74 минг квадрат метрни ташкил қилади. Бино 4 қаватдан иборат бўлиб, баландлиги 36 метрни ташкил этади.

Шунингдек, муз саройи 12,5 минг ўринга мўлжалланган бўлиб, концерт зали сифатида 10 минг, спорт мусобақаларини ўтказиш зали сифатида эса 14 минг томошабинга мўлжалланган. Асосий бинода 300 ўринлик машқ аренаси ҳам лойиҳалаштирилган. Мажмуа ҳудудига шунингдек, спорт музейи, болалар учун ёпик ўйингоҳ, тренажёр заллари, фитнес маркази, замонавий типдаги умумий овқатланиш шохобчалари, спорт анжомлари дўкони ва бошқа хизмат кўрсатиш объектлари жойлаштирилади.

Иншоот атрофи замонавий ландшафт архитектураси усулларида фойдаланган ҳолда обodonлаштирилади ва аҳолига қулай бўлган маданий ҳордик чиқариш учун майдончалар ва боғлар барпо этилади. Бундан ташқари, бино ёнида 2000 та автомобиль учун мўлжалланган 4 қаватдан иборат автотурагоҳ қурилади.

Муз саройи дизайнида замонавий қурилиш ечимлари ва илгор технологиялар миллий маданий элементлари билан уйғунлаштирилади, жумладан, иншоотнинг меъморий гоясидан муҳаббат, бахт ва ҳурлик рамзи бўлган Ҳумо қуши ўрин олган.

Уларда жисмоний имконияти чекланган кишилар учун ҳам барча шaroитлар яратилади.

Ўзбекистон учун эскиюзив лойиҳа бўлган янги кўп функционал муз саройи бугуннинг ўзида нафақат катта мегаполисининг, балки дунё миқёсидаги энг яхши спорт-маданий марказларидан бири бўлиш учун жиддий талаблар билан чиқмоқда. Объектнинг 2018 йилнинг 31 декабрь кунига қадар ишга туширилиши мўлжалланган.

ИСТИҚБОЛЛИ ҲАМКОРЛИК ТЎҒРИСИДА КЕЛИШИБ ОЛИНДИ

Чикиндининг атроф-муҳит ва инсон соғлиғига қанчалик зарарлиги ҳеч кимга сир эмас. Ўзбекистон бўйлаб 186 та чиқиндиларни кўмиш полигонлари мавжуд бўлиб, уларда 33,4 млн. тонна чиқинди жойлаштирилган.

Мутахассисларнинг тахминларига кўра, 2030 йилга келиб Ўзбекистонда қаттиқ маиший чиқиндиларнинг йиллик ҳажми тахминан 7 млн. тоннани ташкил этади. Агар чоралар кўрилмаса, бундай полигонлар сони икки баравар кўпаяди. Бунинг олдини олиш учун нима қилиш керак?

Қуни кеча Тошкент шаҳар ҳокимиятида Италиянинг Waste to energy компанияси вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди. Ушбу ширкат кунига 1200 тонна қаттиқ маиший чиқиндиларни электр ва иссиқлик энергиясига айлантирувчи завод қуришни таклиф этмоқда. Ишлаб чиқаришда ишлатиладиган илгор технологиялар заводнинг аҳоли пунктлари ва мактаблар яқинида хавфсиз ишлашига имкон беради. Келажақда келиб тушаётган хом ашёлардан эко-маҳсулотлар (пластик пакетлар, бир марта ишлатиладиган идишлар, мебель) ишлаб чиқариш кўзда тутилмоқда.

Учрашув якунлари бўйича истиқболли ҳамкорлик тўғрисида келишувга эришилди.

Бундай комплексларнинг қурилиши келгуси авлод учун тоза ва хавфсиз яшаш шaroитларини яратлади.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Матбуот хизмати

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

“Учтепа тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри” давлат қорхонаси томонидан Учтепа тумани, Чилонзор 21-мавзеси, 19-уй, 15-хонадон учун Демина Евгения Ивановна ва Мартынов Иван Николаевич номига берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

“CAPITAL TRUST INVEST” МЧЖ бошлангич нархи босқичма-босқич ошириш тартибидида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади!

Очиқ аукцион савдосига акциядорлик тижорат “Asaka bank”нинг 2018 йил 2 августдаги № АИ-19-31/5405 сонли бюртманомасига асосан акциядорлик тижорат “Asaka bank” тасарруфидидаги Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Тараққиёт кўчаси, 2-уй манзилида жойлашган омборхона бино-иншоотлар ҳамда мрамар маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган асбоб-ускуналар мулкий мажмуа сифатида тақдоран қўйилмоқда. Бошлангич нархи: 15 621 060 490 сўм.

Тўлов муддати: 7 йилдан ортиқ бўлмаган муддатда.

Аванс тўлови: олди-сотида шартномаси умумий қийматининг 20 %дан кам бўлмаган миқдорда шартнома имзоланган кундан бошлаб 10 календарь куни ичида (закалат тўловини ҳисобга олган ҳолда) тўланиши лозим;

Тўлов шартли: олди-сотида шартномаси қийматидан 85% миқдоридида қарзининг қолган қисми тўлаш олди-сотида шартномасига илова қилинган жадалга мувофиқ амалга оширилади;

Мулкка эгалик ҳуқуқини бериш: олди-сотида шартномасида белгиланган сумманинг 100% тўлов амалга оширилгандан кейин мулк ҳуқуқи берилади;

Савдога қўйиш бошлангич қиймати ва аукцион савдо натижасидида сотув нархи орасидида фарқи закалат тўловида қўшимча равишда тўлаш мажбуриятини харидор ўз зиммасига олади;

Мулкни сўғурталаш: Харидор бундан қўшимча бош офиси билан келишилган ҳолда мулкнинг мажмуани банк фойдасига, яъни наф олувчи сифатида банкни кўрсатган ҳолда олди-сотида шартномасининг амал қилинишининг тўлиқ муддатида бир марта тўлов орқали сўғурталаниш шартнома имзоланган кундан бошлаб 15 календарь куни ичида амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Ҳали ҳаридор мулкнинг мажмуани сотилиш нархидан 0,2 % миқдоридида пул маблағини савдо ташкилотчисида тўлаб бериш мажбуриятини олади.

Аукцион савдолари 2018 йил 27 август куни соат 15.00да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истикбол кўчаси, 34-уй манзилида бўлиб ўтади.

Юқоридаги кўчмас мулклар 2018 йил 27 август куни сотилмаган тақдирда, тақдорий савдолар 2018 йил 11, 26 сентябрь ҳамда 12, 29 октябрь кунлари соат 15.00 да бўлиб ўтади.

Юқоридаги мулкнинг мажмуа билан AT “Asaka bank” вакиллари иштирокида бевосита манзилга чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш истогини билдирган талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилладиган закалат келишувига асосан мулкнинг мажмуа бошлангич нархининг 15 % дан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини “CAPITAL TRUST INVEST” МЧЖнинг AT “Xalqbank” Юнусобод филиалининг қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим: х/р: 2020800900757166001. МФО 00823. СТИР 304 802 952.

Талабгорлардан аризалар қабул қилиш аукцион савдоси санасига бир иш кун олдин тўхтатилади. Савдо қолибига аукцион савдоси натижалари бўйича қолибик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 5 кун ичида сотувчи билан олди-сотида шартномаси имзолаш мажбурияти юклатилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истикбол кўчаси, 34-уй.

Телефон: +998-71-236-25-53. www.capitaltrust.uz

Акциядорлик тижорат “Asaka bank” телефон: 120-39-82

Лицензия RR – 0298

Бизда азалдан ҳар бир истеъмол қилинадиган маҳсулотнинг поклигига, ҳалоллигига, унинг тоза ва озода жойда тайёрланиши ва сақланишига жиддий эътибор қаратиб келинади. Озиқ-овқат маҳсулотлари харид қилинаётганида унинг қаерда ва қандай шароитда тайёрлангани ёки етиштирилгани, албатта сўралади.

ҲАЛОЛ ВА ПОКИЗА ИШДА ДОИМ БАРАКА БЎЛАДИ

Оддий бир мисол, биргина он харид қилгани борганимизда сотувчи ёки нововийнинг кийинишдан тортиб, унинг гап-сўзига эътибор қаратамиз. Чунки ҳар кун танаовул қилидиган номинимиз қандай одамлар тайёрлаётгани, уларнинг тоза-озодлиги ҳаммамиз учун ҳам аҳамият касб этади.

Бугунги кунда пойтахтимиз туманларида сомсахона ва нововийхоналар етарлича топилади. Ҳўш, уларда тозалик ва хавфсизликка амал қилинаётгани, нововийларнинг соғлиғи тегишлирилгани, деган саволларнинг туғилиши табиий. Мана шу йўналишдаги камчилик-муаммоларни ўрганиш ва уларни бартараф этиш мақсадида Республика ишчи гуруҳи томонидан қатор ишлар олиб борилади.

Мирзо Улугбек туманидаги “Шўртпе” маҳалласи, Гўлсара кўчаси, 51-уйда жойлашган нововийхона ва сомсахонада санитария-гигиена талабларига амал қилиш у ёқда турсин, бундай талаблар борлигини ҳам унуттишган экан. Бу ерда тайёр маҳсулотни сақлашдан тортиб ҳамки қорши жойига ҳаммаси ачинарли аҳволда эди. Ишчи гуруҳ томонидан олиб берилган ачинарли-ҳаракатлар ва тушутирилган сўнг барча камчиликлар бартараф этилди. Бу жойдаги шарт-шaroитлар санитария меъёрларига мослаштирилди. Энг муҳими, тadbиркор ўз ҳато ва камчиликларини тушуниб етди.

Миробод туманидаги Қўйлик ота маҳалласи, Катта Фарғона йўли кўчасидаги 92-уйда жойлашган умумий овқатланиш муассасасидаги аҳвол ҳам талабга жавоб бермасди. Аҳолига сомса ва он маҳсулотлари тайёрланиб сотилаётган бу жойда санитария қоидаларига амал қилинмагани аниқланган. Ишчиларнинг бирутрасида ҳам тегишли тиббий маълумотнома бўлмаганлиги сабабли бу ердаги нововийхона фаолияти тўхтатилган эди. Бундан тўри хулоса чиқарган тadbиркор нововийхонани тўлиқ таъмирдан чиқарди, канализация қувурлари ва дудбуронлар янгиланди, ишчилар учун барча шaroитлар яратилиб, уларнинг ўзи тиббий тегиштурувдан ўтказилди.

Шунингдек, туманининг Қўйлик ота маҳалласи, 3-берк кўчаси, 20-уйда фаолият кўрсатаётган нововийхонада ҳам санитария меъёрлари кўпол равишда бузилганлиги, ишчиларнинг бирутрасида ҳам тиббий маълумотнома йўқлиги аниқланган эди. Ишчи гуруҳнинг кейинги ўрганишларида бу ердаги камчиликлар ҳам бартараф этилганлиги ойдинлашди. Ҳозирда нововийхонада талаб даражасидаги шaroитлар яратилиб, одамларга сифатли он маҳсулотлари етказиб берилмоқда.

Шу кўчадаги 21-уйда жойлашган нововийхона ҳам қайда этилган камчиликлар бартараф қилинди. Дудбуронлар янгиланган, тандирлар кафеллар билан ўралган. Асосийси, ёнғин хавфсизлиги талаблари тўлиқ бахаририлган. Нововийхона санитария-эпидемиология назорати маркази кўригиндан ўтказилиб, дезинфекция ишлари олиб берилган.

Республика ишчи гуруҳи томонидан Бектемир туманининг “Нурафшон” маҳалласи ҳудудида жойлашган

(Ўз мухбирларимиз)

Теннис

ЯНА БИР МАРРА ЗАБТ ЭТИЛДИ

Фаргона шахрида Халқаро теннис федерацияси томонидан ўсмирлар ўртасида ташкил этилган "Fergana Cup" турнирининг иккинчи давра баҳслари якунланди.

Ўғил болалар ўртасидаги баҳсларда Сергей Фомин чорак финал йўлланмасини қўлга киритди.

Яна бир теннисчимиз Иброҳим-жон Ўринов эса польшалик Мишель Вознякка қарши қортга чиқди. Ўйинда ҳисоб 4:6, 6:2, 1:0 кўринишини олганда Мишель ўйинни давом эттиришдан бош тортди ва мағлубиятини тан олди.

Қизлар ўртасидаги баҳсларда Ясмина Каримжонова туркиялик Дога Туркменни 6:1, 5:7, 7:5, Милана Масленкова эса россиялик Анастасия Золотарева 6:2, 6:1 ҳисобида енгди.

Мусобақанинг жўфтлик баҳсларида чорак финал босқичидан муваффақиятли ўтган Я.Каримжонова ҳамда латвиялик Дария Семенистая тандеми ярим финалда россия-

лик теннисчилар – Алина Чараева ҳамда Мария Ткачевага қарши ўйнайдиган бўлди.

Ўғил болалар ўртасида эса Одил Каримов ва канадалик Глеб Блекер жўфтлиги финал йўлланмаси учун ўтадиган беллашувда туркиялик Берк Илкел ва Эмир Сендоганга қарши куч синашди.

Беларусь пойтахти Минск шаҳрида теннис бўйича "Фьючерс" туркумига кирувчи турнирда Жўрабек Каримов чорак финалга чиқди.

Жўрабек ярим финал учун грузиялик Георги Цевадзега қарши баҳшлашди.

Ж.ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА мухбири



РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ДИҚҚАТ!

"Махсус тажриба автокорхонаси" МЧЖ таъсисчисининг 02.06.2018 йилдаги № 1-сонли қарорига асосан собиқ "Махсус тажриба автокорхонаси" АЖ (3-таксопарк, ЭПАП) акциядорларининг акциялари бўйича тўловлар амалга оширилиши бошланишини маълум қиламиз.

Акциялар бўйича тўловларни амалга ошириш муддати 3 ой (15.08.2018 й. – 14.11.2018 й.).

Қўшимча маълумот олиш учун телефон рақамлари: 290-70-69, 292-23-43.

Кўчаларни ёритиш электр тармоқларни тасарруф қилувчи "TOShSHAHARNUR" давлат унитар корхонаси олий маълумотли мутахассисларни қуйидаги лавозимларга

ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ:

- бухгалтер
- электр-муҳандислик бўйича:
- электр тармоқлар туман усталари,
- шунингдек,
- электромонтёр
- электромонтажчилар
- электргазпайвандчилар
- органная пайвандчилар.

Ишбай-рағбатлантириш асосидаги иш ҳақи қафолатланади.

Тўлиқ маълумотларни қуйидаги манзил бўйича олишингиз мумкин:

Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Кумариқ кўчаси, 3-уй.

Мурожаат учун телефонлар: 250-77-71, 250-57-57.

"ТОШКЕНТ ОҚШОМИ" ва "ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ"

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.



"АРМИ-2018":

33 ДАВЛАТ ВА 200 ДАН ОРТИҚ ЖАМОА

Жаҳоннинг етти мамлакати полигон ва ўқув марказларида "АрМИ-2018" IV халқаро армия ўйинлари бўлиб ўтмоқда.

"АрМИ-2018" мусобақаларида 33 давлатнинг 200 дан ортиқ жамоаси 28 йўналишда куч синашмоқда. Мамлакатимиз "АрМИ-2017" ўйинларида илк бора иштирок этиб, саккизта йўналишнинг бештасида Россия ва Хитойдан сўнг учинчи ўринни эгаллаган эди. Жорий йилда ўзбекистонлик ҳарбий хизматчилар мусобақаларда 13 йўналиш бўйича иштирок этмоқда.

Мусобақанинг дастлабки йўналишлари ниҳоятсига етиб, қўлиблар аниқланди. Ҳарбийларимиз "Йўл патрули", "Ҳарбий ралли" ва "Қуролсоз уста" йўналишида фахрли учинчи ўринни қўлга киритди.

Кинологлар ўртасидаги "Социк дўст" танловида ҳарбий хизматчиларимиз ва хизмат итларининг иштироки ҳам барчада катта таассурот қолдирди. Уларнинг "Гита" лақабли ити 300 метрли тўсиқлар йўлагидан ўтишда 1 дақиқаю 15 сония натижа билан рекорд ўрнатди. Шунингдек, "Ҳимоя хизмати" шартлидаги "шартли душман"ни ушлаш ҳаракат-

лари ҳакамлар ҳайъати эътирофига сазовор бўлди.

"Қуролсоз уста" йўналишида Ўзбекистон ҳарбий хизматчилари қўйилган вазифани бажаришда юқори натижа кўрсатди. Улар олти мамлакат жамоаси иштирокида беш босқичда ўтказилган танловда учинчи ўринни қўлга киритди.

Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида "АрМИ-2018" мусобақаларида муваффақиятли иштирок этиб қайтган дастлабки тўрт жамоа вакиллари тантанали кутиб олинди.

– "Йўл патрули" мусобақасида муваффақиятли иштирок этдик, – дейди жамоа сардори Дилшод Тошпўлатов. – Ҳарбий хизматчиларимизнинг тажрибаси тобора ортиб бормоқда. Вакилларимизнинг иштироки бoshка мамлакатлар ҳарбий хизматчилари диққат марказида бўлди.

(ЎзА)

"101"

ҲАЁТИМИЗ ХАВФСИЗЛИГИ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА!

Ёнғинлар кўпинча эҳтиётсизлик сабабли юз беради. "Тилсиз ёв" оқибатида нафақат моддий зарар кўрилади. Баъзан у одамларнинг умрига ҳам зомин бўлади. Шу боис ёнғинни бартараф қилгандан кўра унинг олдини олган афзалдир.

Энг ачинарлиси, ёнғин келиб чиқишига айрим фуқароларимизнинг оддий ёнғин хавфсизлиги қоидаларини билмаслиги ёки уларга риоя этмаслиги сабаб бўлмоқда. Уйда ёш болаларни қаровсиз қолдириш, шунингдек, уларнинг бўйи етадиган жойларга гугурт ва шунга ўхшаш тез аланга оловчи нарсаларни қўйиб кетиш ачинарли ҳолларга олиб келмоқда. Бундан ташқари қўлбола иситиш ускуналаридан фойдаланиш, газ плиталарига резина шлангларни улаш, электр тармоқларидаги қисқа туташувлар кўнгилсиз воқеаларни келтириб чиқармоқда.

Ёнғин қачон, қаерда, нима сабабдан юз беришидан қатъий назар одамларга ташвиш келтиради. Шундай экан доимо огоҳ бўлаيлик!

Бекжигит ЖАНИБЕКОВ.
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси биносини Ёнғиндан муҳофаза қилувчи ЁХБ кичик инспектори, сафдор

Фуқароларнинг лоқайдлиги тўғрисида ҳозирги кунда ёнғинлар тез-тез учраб турибди. Айниқса, фуқароларимиз газ асбобларидан нотўғри фойдаланаётгани кўпгина ёнғинлар содир бўлишидаги асосий сабабдир.

Ёқилган газ асбобларини қаровсиз қолдириш, газ плиталарини кўчириш, плита ёки печка устида кийим-кечак қуритиш жуда ёмон оқибатларга олиб келмоқда.

Ёнғин оқибатида давлат ва халқ мулкига катта зарар еттиши билан бирга бу офат инсонлар ҳаётига ҳам хавф солмоқда. Баъзи ҳолларда ёнғин чиқишига ота-оналарнинг фарзандларига эътиборсизлиги ҳам сабаб бўлаётди. Болаларнинг қўлига тушиб қолган гугурт натижасида ҳам "тилсиз ёв" юзага келади.

Бу каби нохуш ҳолатларнинг олдини олиш учун барча эътиборли бўлса ўз уйи, мол-мулки, фарзандларининг ҳаётини хавф-хатардан сақлайди.

Азизжон АЗИМОВ,
Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат Академик катта театри биносини ёнғиндан муҳофаза қилувчи ёнғин хавфсизлиги бўлими инспектори, катта сержант

Айрим фуқаролар ўз уйида эътиборсизлик ва масъулиятсизлик, аниқроғи табиий газдан фойдаланишда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилмаслиги оқибатида ёнғин келиб чиқмоқда.

Шу ўринда бир фожиали воқеани айтиб ўтишни жоиз деб билдик. Хонадон соҳибини ишга қузатган аёл газ плиталари ёниқлигига шубҳа қилмай, рўзгор юмушлари билан шугулланавари. Аёл болаларини уйда қолдириб, эшикни устидан қулфлаб қўчага нон олиб келишга чиқиб кетади. Қаровсиз қолган болалар ошхонага ўтиб, олов билан ўйнаши натижасида уйнинг ичини тўтун қоплайди. Бундан ваҳимага тушган тўрт яшар Саидхўжа икки яшар синглиси Нодира ва чақалоқ синглиси Зиловани кўтариб, у ёқдан бу ёққа югура бошлади. Орадан ўн-ўн беш дақиқа ўтар-ўтмас ўт ўчирувчилар етиб келишади.

Юқори қаватга кўтарилган ўт ўчирувчилар биринкетин олов ичидан болаларни олиб чиқиб, қўлма-қўл пастга қараб узатишади, етиб келган тез тиббий ёрдам ходимларининг сая-ҳаракатлари афсуски зое кетди. Болаларнинг ҳаётини сақлаб қолишга олмади.

Ҳар бир фуқаро кундалик турмушида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилса турли офатларнинг олди олинган бўлар эди.

Ерлан КУЛМАНОВ,
25-ҲҲХ катта инспектори, сержант

Саломатлик

СОҒЛИҒИМИЗНИ АСРАЙЛИК

дир. Бунда оғриқ бошқа аъзоларга "узатилмайди", лекин беморнинг ҳаракатлиниши қаттиқ чеклаб қўяди. Бу касаллик спортчилар ёки жисмоний меҳнат билан шугулланган кишиларда кўп учрайди.

Умуртқанинг жароҳатланиши ҳам ўткир оғриқни келтириб чиқаради. Ноқулай йиқилиш ёки елка жароҳатланганда умуртқа погоналари синиши мумкин. Агар киши гиперпаратиреоз, остеопороз, педжент касаллигига чалинган ёки умуртқа атрофида ўсимтаси бўлса улар умуртқа погонаси синганлигини сезмай ҳам қолишади. Ўткир оғриқларнинг тез-тез учрайдиган сабабларидан яна бири умуртқа дискаларининг силжиб кетишидир.

Умуртқа дискалари силжиб кетишининг энг салбий тарафи – бу пастки поғоналар табиий ҳолатини йўқотишидир. Оқибатда пастки поғоналарда ҳам оғриқ бошланади. Йўғон ичак ва қовуқ фаолиятини ишдан чиқаради. Баъзи ҳолатларда эса оғриқнинг юқори поғоналарга кенгайишига ҳам олиб келади. Белдаги ўткир оғриқлар фасет синдроми натижасида ҳам намоён бўлади. Бунда оғриқ умуртқа каналидан чиқишдаги қорешок сиқилишларидан пайдо бўлади, диска эса шикастанмай қолаверади. Бундай синдромлар одатда умуртқа ораллиги бўғинларида юқори ва пастки фасетларнинг кўпайиши оқибатида юзага келади. Натижа-

да умуртқа поғоналари сиқилади ва оғриқ пайдо бўлади. Эпидурал абсцесс ҳам умуртқадаги оғир касалликлардан бири ҳисобланиб, зудлик билан даволанишга, гоҳида эса орқа миёниг сиқилишини бартараф эттишдек жарроҳлик усулини қўллашга мажбур этади.

Тос суягини сон суяги билан боғлайдиган бўғиндаги касалликлар ҳам умуртқанинг ўткир оғриқларига сабаб бўлади. Бунда оғриқ умуртқанинг пастки қисмидан тиззага чўзилади. Умуртқанинг сурункали оғриқлари спондилез деформацияси тўғрисида юзага келади. Бунда умуртқа поғоналарида дистрофик ўзгаришлар, боғловчи аппаратнинг заифлашуви оқибатида эса суякларнинг ўсиши кузатилади. Натижада, умуртқа канал сиқилади, ўсиб чиққан суяклар эса асаб тодаларини эзди ва оғриқ кучая бошлади.

Зирқираб оғришлар ва оёқларнинг заифлашуви, увуш қилишлари ва бошқа неврологик симптомлар ҳам кўпилади.

Анкилозик спондилоартроз деб аталадиган Бехтерев касаллиги ҳам сурункали оғриқларга сабаб бўлади. У зирқираб оғриқиди ва умуртқанинг кўрак қисмида поғоналар қийшайишига олиб келади. Бунинг дастлабки белгилари – ҳаракат қамайиши ва кўрак қафасида нафас сиқилиш билан кечади. Гоҳида оғриқни саратон касалликлари ва модда алмашинуви фаолиятининг бузилишлари ҳам келтириб чиқаради. Безарар ўсма сурункали оғриққа сабаб бўлади, лекин неврологик симптомлар кузатилмайди. Шунингдек, остеомиелит ҳам оғриқларни келтириб чиқаради ва узок давом этади.

Хулоса қилиб айтганда белдаги оғриқ турли касалликлар натижасида юзага келади ва кўпинча сабабини "оғриётган" жойдан эмас, бошқа аъзолардан излаймиз ва бу хато ёндашувдир. Шунинг учун белда оғриқ сезсангиз, пайсалга солмасдан тезроқ шифокорга учрашинг. Ҳар қандай касаллиқни ўз вақтида олдини олиш, уни даволашдан кўра афзалроқдир.

Азизбек НИЗАМОВ,
Жамият саломатлиги ва соғлиқни сақлашни ташкил этиш илмий-тадқиқот институти Тошкент шаҳар бўлими директори ўринбосари



Тошкент шаҳрида 11 август куни ҳаво вақти-вақти билан ўзгариб туради, ёнғинларчилик бўлмайди. Шарқдан гарба томон секундида 5-10 метр тезликда, қулайан ҳада секундида 12-17 метр тезлик-

да шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 22-24, кундузи — 37-39 даража иссиқ бўлади.

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 11 августда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ифлосланиш даражаси паст бўлади.



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИЛИГИ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@mail.uz

Буюртма Г- 835

ТЕЛЕФОНЛАР: Ўзлонлар: (0-371) 233-28-95. Факс: (0-371) 233-29-55

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Ҳажми — 2босма табоқ, офсет усулида босилади. 4986 нускада босилди. Қўғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки "Тошкент почта"га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бш муҳаррир Акмал АҚМОВ

Топшириш вақти: 13.00 Босишга топширилди: 14.30